

# НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ХАКИДА ШАРТНОМА № 6

Самарканд шаҳри

2022 йил « 05 » январь

« SAXZOD PLUS » МChJ корхонаси куйида «Таъминотчи» деб номланувчи Уставига асосан иш курувчи директор Фаттоев С.Р. тимсолида, бир томондан, иккинчи томондан «Истеъмолчи» деб аталувчи РИЭМЮПКИАТМнинг Л.М.Исаев номидаги **килиникаси** номидан бош врач Махмудова Л.Б. уз низомига асосан иш курувчи тимсолида ушбу шартномани туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га нефт махсулотларини автобензин ва дизел ёнилгиси буйича 2021 йилга ажратилган лимитларга асосан, бошка нефт махсулотлари турлари буйича эса «Таъминотчи» нинг ресурс имкониятлари ва «Истеъмолчи» нинг талабномада курсатилган эhtiёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган, спецификациясига биноан етказиб беришини уз зиммасига олади.

1.2. «Истеъмолчи» махсулот учун туловни ва махсулотни кабул килиб олишни томонларнинг узаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва хажмда амалга оширишни уз зиммасига олади.

Шартноманинг умумий суммаси 10 000 000 сумни ташкил килади. Шартнома суммаси «Узнефтникайтаишлаш» АК ва бошка нефтмахсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган нефт махсулотларининг нархлари, нефт махсулотини ташиш билан боғлиқ темир йул харажатлари Узбекистон Республикаси Хукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан узгартирилганда ёки нефт махсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари узгарганда ёхуд нархлар бошка объектив сабабларга кура узгарганда шартноманинг умумий киймати узгаради.

## 2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1. Нефт махсулотлари «Истеъмолчи» га ажратилган лимитлар доирасида, «Истеъмолчи» таксимотга кура нефт махсулотларини таркатиш рухсатномасига ёки узтранспортида, махсус автотранспортида (транзит билан) белгиланган тартибда (кераклигини ости чизиб куйилсин) етказиб берилади.

2.2. Нефт махсулотларини (олиб чиқиб кетиш) «Узбекнефт махсулот» АКси томонидан ажратилган ойлик режа асосида, юкланадиган махсулот учун ой бошланишидан 15 кун олдин тулик пул тулангандан сунг режалаштирилади ва томонлар келишувига асосан, ортиш жадвалига асосан амалга оширилади. Махсулотни ортиш вакти томонлар келишувига асосан узгартирилиши мумкин.

Спецификацияда курсатилган махсулот микдори ва суммаси узгарса томонлар келишувига асосан қушимча спецификация тузилиши мумкин ёки «Истеъмолчи» нинг хати ёки таксимот хужжати урнида асос ҳисобланиши мумкин.

2.3. «Истеъмолчи» нефт махсулотларини уз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда нефт махсулотларини ташиб кетишда куйиладиган барча талабларга риоя килишни уз зиммасига олади.

2.4. Нефт база омборига махсулот куйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар махсулот куйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг буш кетиши учун жавобгарлик «Истеъмолчи» зиммасига махсулот махсус автотранспортида ташиладиган булса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

2.5. Нефт махсулотлари куйилган автоцистерналар (Истеъмолчининг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мутасно) нефт база ёки унинг